



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 2 июнь, № 110 (9281)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни маданият, санъат ва адабиёт соҳаси вакиллари билан учрашув ўтказди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари иштирокида мазкур соҳа ходимларидан бир гуруҳига давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

### MADANIYAT, SAN'AT VA ADABIYOT — BU XALQIMIZ, JAMIYATIMIZ QIYOFASIDIR 2026-yil 1-iyun, Toshkent



Унда шоир ва ёзувчилар, актёрлар, драматург ва режиссёрлар, хонанда ва созанда, композиторлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, хунармандлар, санъатшунос олимлар ҳамда соҳанинг фидойи вакиллари иштирок этди.

Глобал таҳдидлар, ахборот ғужура ва мафруравий курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда халқнинг маънавий дунёси, миллий ўзлиги ва келажаққа ишончини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда театр, кино, musiqa ва адабиёт жамиятнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлайдиган, эзгу кадрларни тарғиб қиладиган энг таъсирчан куч ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ушбу қудратли кучдан самарали фойдаланиш учун ижод соҳаси ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Учрашувда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ёш истеъодларни тарбиялаш, театр, кино, адабиёт ва musiqa санъатини ривожлантириш, креатив иқтисодиётни кенгайтиришга қаратилган

тарихий аҳамиятга эга ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, ижодкорларни рағбатлантириш ва ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мулкчилик янги тизим жорий этилиши белгиланди. Бунинг учун театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолғу санъати, тасвирий ва амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этилди. Уларга таниқли ижодкорлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда йирик компаниялар раҳбарлари ҳамраислик қилди.

Мазкур бирлашмалар жойлардаги musiqa ва санъат мактаблари, бадий жамоалар билан яқин ҳамкорлик қилиб, иқтидорли ёшларни аниқлаш, маҳалла — туман — вилоят — республика босқичларида танловлар ўтказиш, гунаҳларни фестивал, гастроль сафарлари ва халқаро нуфузли танловларда қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Шунингдек, ҳар йили "Миллий ижодкорлар курултойи"ни ўтказиш амалиё-

ти йўлга қўйилади. Унда йил давомида энг юқори натижаларга эришган ижодкорларнинг бадий кечалари ташкил этилиб, уларнинг меҳнати муносиб тақдирланади.

Хусусан, musiqa соҳасида янги асарлар яратган, халқаро танловларда гўлиб бўлган ёки асарлари мамлакатимиз ва хориж саҳналарида муваффақиятли ижро этилаётган хонанда, созанда ва композиторлар, адабиёт соҳасида эса кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган, катта адабларда нашр қилинган, театр ва кино санъатида ўз ифодасини топган асарлар муаллифлари — шоир, ёзувчи ва драматурглар рағбатлантирилади.

Бундай ижодкорларга йил давомида ҳар ой 5 миллион сўм миқдорда гонорар тўланади. Шу билан бирга, улар мамлакат бўйлаб самолёт, поезд ва жамоат транспорт хизматларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Иқтисодлаштирилган тиббиёт марказларида даволаниш харажатлари давлат томонидан қопланади, уларнинг маҳорат мактаблари ва ижод уйлари ташкил этилади.

Учрашувда ёш истеъодларни кашф қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Зотан, миллиятнинг эртанги маданияти кийинги буғун тарбияланаётган иқтидорли ёшлар билан ҳамбарос бўлиб, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан 1 сентябрдан бошлаб республика танловлари гўлиб қолган 100 миллион сўм, нуфузли халқаро танловлар совриндорларига эса 300 миллион сўмга мукофот пули берилди. Улар иштирок этадиган халқаро танловлар билан боғлиқ барча харажатлар давлат томонидан қопланади. Ёш истеъодларни тарбиялаётган устоз ва мураббийларнинг ойлик маошига эса 100 фоизгача устама белгиланади.

Иқтидорли ёшларнинг билим ва тажрибасини янада бойитиш мақсадида ҳар йили 100 нафар йигит-қиз давлат ҳисобидан етакчи хорижий маданият ва санъат муассасаларида тахсил олишга юборилади. Шунингдек, ёш истеъодларни аниқлаш ва продюсерлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун "Ижодга инвестиция" жамғармаси ташкил этилиб,

унга ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Учрашувда ижод аҳлининг кўп йиллик омураидан бири бўлган муаллифлик ҳуқуқини ишончи ҳимоя қилиш масаласи ҳам кўтарилди.

— Ҳар бир бадий асар, musiqa, кўшк муаллифга даромад келтириши керак. Лекин муаллифлик ҳуқуқи тўлиқ ҳимоя қилинмас экан, ижод маҳсулидан ноқонуний фойдаланиш ва тарқатиш ҳолатлари тўхтамайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Масъулларга муаллифлик ҳуқуқини қаратилган муҳим ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Энди шоир ва ёзувчилар учун ҳар йили камида 50 та энг сара асар бўйича ижодий буюртмалар шакллантирилади. Шунингдек, ҳар йили ўзбек адабиётининг энг яхши 10 та намунаси хорижий тилларга таржима қилиниб, муаллифлар иштирокида халқаро тақдимот-

лар ўтказилади. Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида нашр этиладиган китобларнинг қоғоз харажатлари давлат томонидан қопланади.

Мулоқотда ижодкорларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари ҳам кенг ўрин олди. Хусусан, ҳар йили 1 миң нафар шоир ва ёзувчи, маданият ва санъат вакили, музей ходими ҳамда рассомга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити дастлабки тўловининг 50 фоизи қўллаб берилди.

Бошқа ҳудуддан келиб меҳнат қилаётган соҳа вакилларига уй-жой ижараси учун Тошкент шаҳрида ойига 2,5 миллион сўмгача, вилоятларда эса 1 миллион 600 миң сўмгача компенсация тўланади.

Соғлиқни сақлаш борасида ҳам кўшимча имкониятлар яратилади. Энди ҳар йили ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган 1 миң нафар соҳа ходими Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ҳисобидан бепул даволанади. Яна 2 миң нафар ижодкор давлат томонидан тиббий сугурта пакети билан таъминланади. Камида 10 йил меҳнат қилган ходимларга касабга уюшмалари санаторийларига бепул йўлланмалар ажратилади.

Учрашувда миллий musiqa ва рақс санъатини қўллаб-қувватлашга урғу қаратилди. Жумладан, 1 сентябрдан бошлаб ашула ва рақс ансамблирида фаолият юритаётган барча ходимларнинг иш ҳақи икки баробар оширилади. Рақс усталари учун пенсияга чиқишда талаб қилинадиган махсус стаж 20 йилдан 15 йилга қисқартирилади.

Шунингдек, Янги Тошкентда барпо этилаётган Мақом маркази ёнида замонавий Рақс саройини қуриш ташаббуси илгари сурилди. Бу миллий рақс санъатини ривожлантириш ва унинг нуфузини янада оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Композитор ва бастакорларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳам тубдан таъминлаштирилади. Энди ҳар йили опера, симфония ва бошқа муштарак ҳамда замонавий жанрларда камида 20 та янги асар яратиш учун давлат буюртмалари берилди. Бу миллий musiqa санъатида янги ижодий изланишлар ва юксак бадий асарлар пайдо бўлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари жамият ҳаётида миллий руҳ ва маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида тўхтади.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган ҳозирги даврда ижодкор ва зиёлиларнинг рақамли макондаги иштироки янада фаол бўлиши лозимлиги қайд этилди. Ёшлар кўпроқ вақт ўтказётган ахборот майдонидан миллий маданият, адабиёт ва санъат тарбиясини кучайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ИНСОН ҚАДРИ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Президентимизнинг шу йил 28 майдаги "Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги ҳамда "Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармонлари жонажон Ватанимизда инсон қадрини улуғлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини яна бир ёрқин ифодаси бўлди.



### Муносабат

Шунингдек, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари фидойиларини тақдирлаш орқали ижод аҳлига баланд руҳ, юксак илҳом, бугунги тилда айтганда, катта мотивация берилди.

Қолаверса, санъатсевар, шеърсевар халқимиз сеvimли шоиру хонандаларига, бу дунёдан ўтган ижодкорларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатилганидан қувонди.

Қуйда мукофотланганларнинг дил сўзлари, шунингдек, марҳум ижодкорлар оила аъзоларининг кечинмалари билан танишасиз.

### Ҳаётимнинг ёрқин саҳифаси

**Махаммад ЭШБОЕВ, Жарқўрғон туманидаги 5-болалар musiqa ва санъат мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси:**

— Дўмбиранинг илк садолари қалбимдан жой олганига қарийб ўттиз йил бўлди. Шу йиллар давомида бахшичилик санъати нафақат касбим, балки ҳаётимнинг маъносига айланди. Бугун дostonдан бошланган йўл юксак унвонга етди. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонига муносиб қўрилганим мен учун унутилмас бир воқеалиқдир.

Ушбу мукофотни, аввало, халқимиз асрлар давомида асраб келган бахшичилик санъатига, унинг беқиёс қудрати ва ҳаётбахш анъаналарига берилган юксак баҳо деб биламан.

Бугун Жарқўрғон туманидаги 5-болалар musiqa ва санъат мактабига ёшларга бахшичилик санъатидан сабоқ бериб келяман. Машғулотларда шоғирлар қалбига миллий меросимизга муҳаббат уйғонаётганини кўриш катта қувонч бағишлайди. Чунки бахшичиликнинг келажаги ана шу ёшлар қўлида.

Фаолиятим давомида "Алломиш", "Авазхон", "Кунтуғмиш", "Ойпарча" каби халқ дostonларини юртдошларимизга етказиш, ўнлаб термаларни ижро этиш ва яратиш насиб қилди.

## ЭЛ СЕВГАН ИЖОДКОРЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Президентимизнинг "Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан бир қатор марҳум ижодкорлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

### Эътибор

Вафотидан сўн давлат мукофотларига сазовор бўлган таниқли маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ҳамда шоирларнинг хонандаларига Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева таъриф буюриб, уларнинг оила аъзоларига мукофотларни топширди.

Илк ва самимий муҳитда Сенат Раиси "Буюк хизматлари учун", "Фидокорона хизматлари учун", "Меҳнат шухрати" ҳамда "Дўстлик" орденларини:

давлатимизнинг юксак мукофотларини етказди.

Ташриф давомида марҳум ижодкорларнинг мамлакатимиз маънавий ҳаёти, миллий маданиятини ривожлантириш, ёш авлод тарбияси ҳамда жамиятга эзгулик, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик қадриятларини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари алоҳида эътироф қилинди.

Самимий учрашувларда Сенат Раиси тақдирланган марҳумларнинг оила аъзоларига чуқур ҳурмат изҳор этди.

Ўз навбатида, марҳум ижодкорларнинг яқинлари ҳам давлатимиз раҳбарига аждодларининг меҳнати ва хизматлари юксак қадрлангани, мамлакатимизда ижод аҳли хотирасига қўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

«Халқ сўзи».

### Фракциялар ҳаёти

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

### Айрим масалаларга таҳлилий ёндашилди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Олий Навроосиё иқтисодий кенгашининг Евробатдаги йиғилишидаги нутқининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, логистика ва транспорт соҳаларида замонавий ечимларни жорий этиш, боғжона ва электрон хужжат алмашинувини соддалаштириш бўйича илгари сурган ташаббуслари тадбиркорлик субъектлари учун янги имкониятлар яратишга хизмат қилиши ургуланди.

## Рақамли макон ва кооперация:

## ЕОИИ САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган геoiқтисодий воқелик ва глобал инкирозлар даврида ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш учун энг мақбул ташқи сиёсий йўналишларни танлаши зарур.

Ўзбекистон учун Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва чуқурлаштириш ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим ҳамда стратегик йўналишларидан биридир.



### Нўқтаи назар

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ЕОИИ давлатлари билан муносабатлари оддий савдо алоқалари доирасидан чиқиб, мултараққи — комплекс иқтисодий шериклик босқичига кўтарилди. Бу — иқтисодийнинг деярли барча тармоғини қамраб олмақда. Қузатувчи давлат маконидида шерикликнинг сўнгги беш йилида Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси қарийб икки баробар ошди. Иқтисодий алоқалар таркибиде юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бораётгани, кооперация лойиҳалари кенгайтган-

### Асосий логистик кўприк

Ўзбекистон денгиз йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, атрофи қуруқлик билан ўралган давлат бўлгани сабабли ЕОИИ ҳудуди биз учун ташқи бозорларга чиқишда энг асосий логистик кўприк ҳисобланади. Шу боис логистика алоқаларни мустаҳкамлаш ва транспорт йўллари диверсификация қилиш ҳаётий аҳамиятга эга.





Рақамли макон ва кооперация:

ЕОИИ САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Шу маънода, жорий йилнинг 29 май кун...



ни тежаш имконини беради. Рақамли транзитни жорий этиш...

нологияларсиз иқтисодий ўсишни тасаввур қилиб бўлмайд...

объектив талаби ва истиқболли йўналиши. Рақамли иқтисодиётни жорий этиш...

ри учун қулайликлар яратди, яъни бу энг муҳим нуқталардан биридир. ЕОИИ аъзоси бўлган давлат фуқаролари учун Россия ҳамда Қозоғистонда ишлаш анча осонлашади...

Халқаро иқтисодий интеграция учун кенг йўл

Кези келганда ЕОИИ мақсад ва вазифалари, унинг ишида Ўзбекистон иштирокнинг аҳамиятига ҳам тўхталсак...

Рақамли транзитни жорий этиш, кузатув тизимларига улашиш ва чегара-ўтказиш пунктларини модернизация қилиш орқали товарлар ҳаракатини тезлаштириш лозим. Бу ташаббус нафақат Ўзбекистон, балки бутун ЕОИИ ҳудудда транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари саммитда ҳар доимгидек қатор амалий ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, жорий йилда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан амалдаги ўн йиллик ҳамкорлик режаси якунига етмоқда...

Дарвоқе, апрель ойда Тошкентда ўтказилган "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" VI халқаро саноат кўргазмаси бизнес доираларининг ўзаро шерикликка бўлган юқори қизиқишини яна бир бор кўрсатди...

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик эса нафақат савдо, шу билан бирга минтақавий хавфсизлик омиллига айланган. Иқлим ўзгариши ҳамда энергия ресурсларига таъминлашга қаратилган халқаро иқтисодий интеграция ташкилотидир...

Ўзбекистон 2020 йилдан буён ушбу ташкилотда кузатувчи давлат мақомида иштирок этиб келмоқда. ЕОИИ, биринчидан, катта бозор ҳамда экспорт имконияти юқори тузилма...

Рақамли транзит нима учун зарур?

Бугунги кунда ҳамкорликнинг диққат марказида қатор масалалар турганини таъкидлаш жоиз. Масалан, рақамли транзит тизимига ўтиш вазифасини олайлик. Бу нима беради? Аввало, бу қозғобозликни камайтириш ва вақтни тежаш учун электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш имконини беради...

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан муносабатларида юксак сиёсий ва иқтисодий донишмандлик кўзга ташланади. Мамлакатимиз ташкилотда кузатувчи давлат мақомида сақлаб қолгани ҳолда миллий иқтисодиётнинг суверенитети ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини қатъий ҳимоя қилмоқда...

Иккинчидан, меҳнат муҳожирла-

Туртинчидан, стандартларнинг бир хиллиги маҳсулотларни сертификатлаш ҳамда техник талабларнинг ягона тизимга келиши экспортёрларга бир хил қоидалар асосида ишлаш имконини беради. Ҳозирча Ўзбекистон ҳукумати ЕОИИ ишида кузатувчи мақомида. Мамлакатимиз ташқи сибсатда ва ташқи иқтисодий сибсатда жуда эҳтиёткор ҳамда прагматик сибсат юритаётир. Зеро, Ўзбекистон суверенитетини қадрлайди. Кузатувчи мақоми эса ташкилот ичидagi жараёнларни яқиндан ўрганиш, миллий иқтисодиётга бўладиган таъсирларни ҳисоблаб чиқиш, миллий қонунчиликни интеграцияга тайёрлаш учун вақт беради...

ЕОИИ Ўзбекистон учун, биринчи навбатда, меҳнат муҳожирларининг аҳолини яхшилаш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш учун имкониятдир. Аммо бу йўлда маҳаллий саноатни ҳимоя қилиш ва сиёсий-иқтисодий мустақилликни сақлаб қолиш каби жиддий синовлар мавжуд. Шу сабабли расмий Тошкент ҳозирча тўлиқ аъзоликка шошилмасдан, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кузатувчи сифатида давом эттираётир.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

БЎЗАТОВДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



2021 йилда Президентимиз ташаббуси билан юртимиз йилгит-қизларини Қорақалпоғистоннинг турмуши билан яқиндан таништириш ҳамда иходдор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жамоатчиликка кенг таништириш мақсадида "Бўзатов фест" ёшлар фестивали ташкил этилган эди.

Ўтган 5 йил давомида "Бўзатов фест" республика ёшлар фестивали бўлган Ўзбекистон бўйича ёш истеъдодларни юзага чиқаришда муҳим бўлган тадбирлардан бирига айланган бўлган.

Яқинда Бўзатов туманида фестивалнинг бу йилги очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқор Кенгесининг Раиси Аманбай Оримбаев сўзга чиқиб, юртимизнинг минг-минглаб ёшларини ўзиде жамлаган фестивал билан йилгитларни табриқлади ва барча иштирокчиларга омад ёр бўлишини тилади.

Авалло, ушбу танловнинг нуфузи, ёшларни қамраб олиш йил сайин ортиб бораётганини эътироф этиб ўтиш жоиз, дейди — Ёшлар ишлари агентлиги Бўзатов тумани бўлими бошлиғи Низаматдин Туремуратов. — Бундан 5 йил олдин ушбу тадбирда Бўзатовдан 83 нафар ёш иштирок этган бўлса, жорий йилда уларнинг санои 2000 нафардан ошди. Бу йилги танловда ҳам мамлакатимиз бўйича жами 370 000га яқин ёшлар иштирок этган бўлса, шундан 160 нафардан зиёди Бўзатов туманида бўлиб ўтадиган финал босқичига етиб келди. Ҳеч шубҳасиз, бу фестивал истеъдодларни рўёбга чиқаришда, дўстлик, аҳиллик ва оғизбирчиликни янада мустаҳкамлашда муҳим майдон бўлади. "Бўзатов фест" ёшлар овози фестивали давом этмоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

ТҮРТ ЭГИЗАК ТУФИЛГАН ОИЛАГА УЙ БЕРИЛДИ



Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси Йўл-патруль хизмати ходими Одилжон Абдуллаев оиласида тўрт эгизак дунёга келган эди. Яқинда оиланинг бу қувончига яна қувонч қўшилди. Ички ишлар вазирлиги томонидан уларга уч хонали уй қалити тантанали топширилди.

Давлат хизматчисининг турмуш шароитини яхшилаш, жумладан, уларни уй-жой билан таъминлаш орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш кейинги йилларда янги босқичга чиқмоқда. Айниқса, ички ишлар органи ходими фарзандларининг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш тизими мутлақо янги босқичга қўтарилганини қайд этиш керак. — Юртимиздаги инсон қадри, унга чексиз ғамхўрлик ва юксак эътиборни ўз ҳаётим мисолида яққол ҳис қилмоқдаман, — дейди Одилжон Абдуллаев. — Яқинда ота бўлиб, бағрим тўрт фарзандга тўлган эди. Янги уйга қўчиб кирганимиз эса бизга қутлимизан туҳфа бўлди. Бундан кейин ҳам халқимизга, Ватанимизга садоқат билан хизмат қиламан! Тизимда яратилган шарт ва имконият туфайли ҳодимга кўрсатилган бундай эътибор юрт оошмашталиги йўлида туну кун хизмат қилаётган ҳар бир ички ишлар органи ходимининг халқига, Ватани ва касбига бўлган садоқатини янада мустаҳкамлайди.

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

НАМАНГАНДА МОТОКРОСС БЎЙИЧА IV ХАЛҚАРО ЧЕМПИОНАТ

Қосонсой туманида Наманган вилояти ҳокими кубоғи учун IV халқаро мотокросс чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон мудофаасига қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан 65-халқаро Гуллар фестивали дастури доирасида ташкил қилинган мусобақада мамлакатимиз вилоятлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистондан 100 нафарга яқин спортчилар иштирок этди.



"Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгашининг Раиси Аҳмаджон Аълоҳоджаевнинг маълум қилишича, мамлакатимизда мотокросс спортини оммалаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қaratилмоқда ва бу каби халқаро мусобақалар эса спортчилар маҳоратини ошириш, ёшларни техник спорт турлига кенг жалб этиш ҳамда Ўзбекистоннинг мотоспорт соҳасидаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилляпти.

Мусобақа якунларига кўра, голиб спортчилар ўз тоифаларида шоҳсупнинг юқори погонасидан жой олди. Голиб ва совриндорлар диплом, кубок ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Акрамжон САТТОНОВ («Халқ сўзи»).

ИНДОНЕЗИЯДА ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Индонезиянинг Гунадарма университетиде Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва маданияти марказининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Мазкур тадбир юртимизнинг Индонезиядаги элчихонаси ташаббуси билан, "Ватандошлар" жамоат фонди ҳамда Миллатлараро муносабатлар ва хорижда ватандошлар масалалари бўйича қўмита ҳамкорлигида ташкил этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Индонезия халқларини чуқур тарихий-маданий ришталар, ислом цивилизацияси мероси, шунингдек, умумий маънавий қадриятлар боғлаб туриши алоҳида эътироф қилинди. Алишер Навоий номидаги бу марказ икки мамлакат ўртасидаги халқ дипломатиясининг муҳим платформасига айланиши, унинг негизида тил, адабиёт, илм-фан ва маданият соҳалари ҳамда туризм йўналишида узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилишига ишонч билдирилди.

Видеомурожаатларда мазкур марказнинг очилиши Ўзбекистон ва Индонезия олий таълим муассасалари ўртасида академик алоқаларни мустаҳкамлаш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини ривожлантириш ҳамда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши айтаилди.

Гунадарма университети Индонезиянинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. У 1980 йилда таъсис этилган бўлиб, кампуси Дёпок шаҳрида жойлашган. Таълим муассасасида бакалавр таълим йўналиши ва магистратура таълим таъхассислари бўйича 40 мингдан зиёд талабалар тахсил олади. Университет ректори, профессор Эко Шри Маргианти Ўзбек тили ва маданияти марказининг ташкил этилиши Индонезия ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида қўйилган навбатдаги кадам эканини таъкидлади. У Индонезия жамятида Ўзбекистонга, ушбу давлатнинг тили ва маданиятини яқиндан ўрганишга бўлган қизиқиш ҳамда интилиш тобора ортиб бораётганини қайд этди.

Мутахассислар ўзбек тили Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари дунёнинг буюк олим, донишманд ва уламолари яшаб ижод этган юртининг давлат тили эканини таъкидлади. Бугунги кунда ўзбек тилида дунёнинг 20 га яқин мамлакатларида 50 миллиондан зиёд инсонлар сўзлашиб, мулоқот олиб бориши маълум қилинди.

Марказнинг асосий фаолияти университет талабалари ва тингловчилари учун ўзбек тилини ўқитиш, ўзбек адабиёти ва маданиятини тарғиб қилиш, Алишер Навоий меросини ўрганиш, Ўзбекистон тарихи, миллий анъаналари ва маданий меросига бағишланган тадбирларни ўтказишга қаратилган. Ушбу янги марказ негизда "Ўзбек тили кунлари", "Навоий ўқувлари", адабий ва маданий кечалар, кино намойишлари, илмий-амалий конференциялар ҳамда қўшма таълим лойиҳаларини мунтазам ташкил этиш бўйича турли келишувга эришилди.

«Дунё» АА. Жакарта

TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI

quyidagi lavozimlarga shartnoma asosida tanlov e'lon qiladi:

- Sanoat iqtisodiyoti kafedrası: kafedra mudiri; Biotexnologiya kafedrası: kafedra mudiri; Muhandislik asoslari va mexanika kafedrası: kafedra mudiri; Avtomatlashtirish va raqamli boshqaruv kafedrası: kafedra mudiri; Funktsional mahsulotlar texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri; Fizika va energetika kafedrası: kafedra mudiri; Texnologik jarayonlar va qurilmalarni loyihalash kafedrası: kafedra mudiri; Noorganik moddalar kimyoviy texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri; Ijtimoiy-siyosiy fanlar kafedrası: kafedra mudiri; Silikat materiallar va nodir, kamyob metallar texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri.

Izoh: yuqoridagi lavozimlarga nomzodlardan ariza, fotosuratli so'rovnoma, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja, unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati, mehnat daftarchasidan ko'chirma, malaka oshirganligi guvohnomasi nusxasi talab qilinadi. Hujjatlar ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida qabul qilinadi. Murojaat qiluvchilar institutning inson resurslari bo'limiga kelib ro'yxatdan o'tishlari so'raladi.

Manzil: 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy, institutning inson resurslari bo'limi, telefon: 71-244-79-31.

РЕКЛАМА

2027 йил 1 январдан илмий даража берувчи илмий кенгашлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими жорий этилади.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information for the editorial office and subscription details.